

1714/4747 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ هِلَالَ بْنَ أُمَيَّةَ قَدَفَ امْرَأَتَهُ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِشَرِيكَ بْنِ سَحْمَاءَ، فَقَالَ النَّبِيُّ: الْبَيْتَةُ أَوْ حَدُّ فِي ظَهْرِكَ. فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِذَا رَأَى أَحَدُنَا عَلَى امْرَأَتِهِ رَجُلًا يَنْطَلِقُ يَلْتَمِسُ الْبَيْتَةَ، فَجَعَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: الْبَيْتَةُ وَإِلَّا حَدُّ فِي ظَهْرِكَ. فَقَالَ هِلَالٌ: وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ إِنِّي لَصَادِقٌ، فَلَيُنزِلَنَّ اللَّهُ مَا يُبْرِئُ ظَهْرِي مِنَ الْحَدِّ، فَتَزَلَ جَبْرِيْلُ، وَأَنْزَلَ عَلَيْهِ: (وَالَّذِينَ يَرْمُونَ أَزْوَاجَهُمْ) فَقَرَأَ حَتَّى بَلَغَ (إِنْ كَانَ مِنَ الصَّادِقِينَ). فَأَنْصَرَفَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَرْسَلَ إِلَيْهَا، فَجَاءَ هِلَالٌ فَشَهِدَ، وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ أَنَّ أَحَدَكُمَا كَاذِبٌ، فَهَلْ مِنْكُمَا تَائِبٌ؟» ثُمَّ قَامَتْ فَشَهِدَتْ، فَلَمَّا كَانَتْ عِنْدَ الْخَامِسَةِ وَقَفُوهَا وَقَالُوا: إِنَّهَا مُوجِبَةٌ. قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ: فَتَلَكَّاتُ وَنَكَصَتْ، حَتَّى ظَنَنَّا أَنَّهَا تَرْجِعُ، ثُمَّ قَالَتْ: لَا أَفْضَحُ قَوْمِي سَائِرَ الْيَوْمِ، فَمَضَتْ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَبْصُرُوهَا، فَإِنْ جَاءَتْ بِهِ أَكْحَلَ الْعَيْنَيْنِ، سَابِعِ الْأَلْيَتَيْنِ، حَدِّجِ السَّاقَيْنِ، فَهُوَ لِشَرِيكَ بْنِ سَحْمَاءَ. فَجَاءَتْ بِهِ كَذَلِكَ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَوْلَا مَا مَضَى مِنْ كِتَابِ اللَّهِ لَكَانَ لِي وَلَهَا شَأْنٌ.

1714.4747. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Ҳилол ибн Умайя Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида ўз аёлини Шарик ибн Саҳмо билан зино қилганликда айблади. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Далил ёки орқангга ҳадд», дедилар. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар бирортамиз аёлининг устида бир кишини кўрса, далил қидириб юрадими?» деди. У зот: «Далил, йўқса орқангга ҳадд», деявердилар. Ҳилол: «Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, мен рост гапиряпман. Аллоҳ менинг орқамни ҳаддан оқлайдиган нарсани албатта нозил қилади», деди. Шунда Жаброил тушиб, у зотга «Ўз жуфтларини (зинода) айблайдиганлар...»ни нозил қилди ва «...агар у ёлғончилардан бўлса»гача ўқиди.\* Набий соллаллоху алайҳи васаллам фориф бўлдилар-у, аёлга одам юбордилар. Ҳилол келиб, гувоҳлик берди. Набий соллаллоху

алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ биладики, икковингиздан бирингиз ёлғончисиз. Тавба қиладиганингиз борми?» дедилар. Шунда аёл туриб, гувоҳлик берди. Бешинчисига келганида уни тўхтатишди ва: «Буниси (азобни) вожиб қилади», дейишди. У (гапдан) тутилиб, тисарилиб қолди. Ҳатто биз уни энди қайтса керак деб ўйладик. Шунда у: «Қавмимни бундан кейин ҳам шарманда қилмайман»,\* деди-да, давом этди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни кузатинглар, агар у қоракўз, думбалари кенг, болдирлари биққи (бола) туғса, у Шарик ибн Саҳмоники бўлади», дедилар. У уни ўшандай туғди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар Аллоҳнинг Китобида ўтган нарса бўлмаганида, мен билан у аёл ўртасида бир иш бўлар эди»,\* дедилар».

\* Бу ерда Нур сурасининг 6 ва 7-оятлари назарда тутилган.

\* Қавмимни маломатга қўймаслик учун шу кунгача айбни тан олмадимми, энди буёғига ҳам қавмимни шарманда қилмайман, демоқчи.

\* Аллоҳ таолонинг «Мулоъана қилган аёлга ҳадд йўқ» деган ҳукми бўлмаганида, бу аёлга ҳаддни жорий қилган бўлар эдим, демоқчилар. Бу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлнинг зино қилгани аниқ эканига ишора қилмоқдалар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

